

Машҳур карикатурачи Ларс Вилкс автофалокат оқибатида аянчли ўлим топди



14:30 / 04.10.2021 4068

Швеция жанубида юк машинаси енгил автомобиль билан тўқнашиб, унда кетаётган Ларс Вилкс ва унинг соқчилари бўлган икки полициячи ҳалок бўлган. Бу ҳақда gazeta.ru манбасига таяниб, azon.uz сайти хабар берди.

Ларс Вилкс пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг карикатураларини чизган швед рассомидир.

Ҳодиса Крунуберг минтақасининг Маркарюд қишлоғи яқинидаги E4 автомагистралда содир бўлган.

Тўқнашувда иккала машина ҳам ёниб кетган, юк машинаси ҳайдовчиси жароҳат олиб, тирик қолган. Ҳодиса қандай содир бўлгани ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Юк машинаси ҳайдовчиси касалхонага

ётқизилганидан кейин сўроқ қилинган.

Вилкс - 2007 йил ноябрь ойида шведларнинг «Нерикес Аллеханда» газетасида чоп этилган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга карикатура чизганлиги билан бутун дунё мусулмонларининг ғазабини кўзғатган эди.

«Ал-Қоида» жангарилари Вилкснинг боши учун 100 минг доллар ваъда қилган эди.

Шундан сўнг, карикатурачи ҳар доим полиция ҳимоясида бўлган. 2010 йил июль ойида Уилкснинг уйига ўт қўйишга уринган икки киши икки ва уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бу воқеалардан олдин, Уппсала университетидида фалсафа факультетидида санъатда сўз эркинлиги ҳақида маърузалар ўқиган карикатурачига ҳужум қилинган.

2010 йил март ойида Ирландияда Вилксни ўлдирмоқчи бўлган гуруҳ ҳибсга олинган эди. Унда америкалик Колин Лароуз иштирок этган. Уни кейинчалик Қўшма Штатларда тутиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.